



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: uzas@b2c.uz

2011-yil 17-iyun • №25 (4112)

БУ ЙЎЛЛАР... ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛЛАРИ

Йўллар шаҳару қишлоқларни, давлатлар ва қишлоқларнигина эмас, одамларнинг кўнгилларини ҳам бир-бири билан боғлайди. Йўллар ҳоҳ темир, ҳоҳ сув, авто ёки ҳаво йўллари бўлсин, барча-барчаси эзгуликка, ихтимоий-иқтисодий тараққиётга, халқ фаровонлигига хизмат қилади. Йўлингиз текис ва раво бўлса, олис масофани босиб ўтиш учун кетган вақт сезилмайди. Йўловчининг кайфияти ҳам шунга яраша бўлади. Теварак-атрофдаги боғ-роғларга, муҳташам иншоотларга, замонавий хизмат кўрсатиш шохобчаларга боқиб, уларнинг хизматидан баҳраманд бўлиб, баҳри-дилинг очилади. Шу ўринда йўлни ўша ҳудудда яшовчи аҳолининг турмуш тарзини ўзида акс эттирувчи кўзгуга қиёслаш мумкин.

Йўл ҳақида гап кетганда, беихтиёр кўз ўнгимда олис болалик хотиралари жонланади. Иккинчи жаҳон уруши жангҳоҳларида бир оёғидан айрилиб қайтган Бобоназар бобо йўлида учраган тош, шох-шаббаларни четга олиб ташлаётганини кўп бор кузатганман. Қизиқ, унга нима зарил экан-а?! Ўзи ҳассасига зўрга суяниб юрса... Яна шу ҳолига қарамай, биров қочибли-сурибли кетмасин, машина ўтишига ҳалал бермасин, деб қилаётган ишини қаранг, деган ҳаёлга борардим. Кейин билсам, йўл қуриш, уни таъмирлаш ва тоза сақлаш энг савобли иш ҳисобланар экан.

“Ўзавтойўл” компанияси зиммасига ҳам

мана шундай масъулиятли вазифа юклатилган. Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб соҳа ривожига катта эътибор бериб келинмоқда.

Бугун мамлакатимизда халқаро, давлат, маҳаллий аҳамиятга молик автомобил йўлларининг умумий узунлиги қирқ икки ярим минг километрдан зиёд.

— Бир вақтлар қишлоғимиздан туман марказига бор-йўғи битта эски автобус қатнарди. — деб ҳикоя қилади Ғаллаоролдаги Солин қишлоғида яшовчи Аҳам Нодиров (Мен у билан Мустақиллик майдонида танишиб қолдим. Фарзандларини томоша қилдириб юрган экан). — Оралиқдаги 40 чакирим йўлнинг аҳолига қараб бўлмасди: ўйдим-чўқур. Шунинг учун унча-мунча техника юришга қийналарди. Автобус қунига бир марта бориб-келарди — эрталаб йўловчиларни худди сомонни ортгандай зичлаб жўнарди, кечқурун юкининг оғирлигидан ҳансираб, тутаб зўрга ортига қайтарди. Ҳа, ўша замонларда йўл қуриш ва уни таъмирлаш ишларига, айниқса, чекка, тоғли ҳудудларга умуман эътибор қаратилмаган. Шу боисдан йўл танобини тортганлар “Йўл азоби — гўр азоби”, дейишган.

Ватан учун яшашлик!

Давоми иккинчи саҳифада.



Маънавий ҳаёт

БАХШИ ШОИРЛАР БЕЛАШУВИ

Термиз санъат коллежиди “Бахши шоирлар ва оқинлар аънавий республика кўрик фестивали”нинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, шўрчилик Бахтиёр Ортиқов биринчи ўринга муносиб топилди. Олтинсойлик Шерали Жумаевга иккинчи, бойсулик Рўзқул Болтаевга эса учинчи ўрин насиб этди. Голиблар Тошкент вилоятининг Паркент туманида ўтказиладиган Республика босқичида иштирок этадилар.

М.КАРИМОВА

ЯПОН КУЛОЛЧИЛИГИ КЎРГАЗМАСИ

Самарқанд шаҳрининг “Чорсу” галереясида “Япон кулолчилиги — аънавий япон кулолчилигининг янги авлоди” деб номланган кўчма кўргазма очилди.

Мамлакатимиз санъат ихлосмандларини аънавий япон ҳунармандчилиги билан яқиндан таништириш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган кўргазмада кунчиқар юртнинг ўттиздан ортиқ уста кулоллари ноёб асарлари билан қатнашмоқда.

Суннат ОСТОНОВ

“Ўзбеккино” миллий агентлигининг илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида “Қўқон: кеча ва бугун” номли янги фильм суратга олинмоқда. Фильм муаллифи ва режиссёри — Ҳожимурод Валиев, адабий маслаҳатчи — археолог олим Абдуҳамид Анорбоев.

“ҚЎҚОН: КЕЧА ВА БУГУН”

— Фильмимиз ўзбек, рус ва инглиз тилларида экранларга чиқарилади, — дейди Ҳ. Валиев. — Унда Қўқон шаҳрининг кечаги ва бугунги қиёфаси, янги бунёдкорлик манзаралари ҳақида ҳам сўз юритамиш. Мазкур фильм Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида намоиш этилади.

Б.НОСИРОВ

ДИЛ ИЗҲОРИ

Рассом асарга “жон” бахш этаркан, рангларга қўшиб ўз руҳиятини ҳам тухфа этади. Асарнинг асарга ўхшамаслиги, бир-бирини тақдорлашмаслиги шундан.

Миллий санъат марказида “Навқирон Ўзбекистон” аънавий ва замонавий санъат фестивали совриндори ёш рассом Дилшод Эшматовнинг “Дил изҳори” шахсий кўргазмасида ҳам кўнгил рангларидан сизиб чиқ-

қан сара асарлар намоиш этилди. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Ижод” рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур кўргазмадан ижодкорнинг юзга яқин турфа жанрдаги асарлари ўрин олган. Дилшод Эшматов “Натюр-

морт” (2009 й.), “Ватаним пей-зажлари” (2010 й.) кўргазмаларида муваффақиятли қатнашиб, мухлислар эътиборини қозонган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Баддий академиясида бўлиб ўтган кўргазмада “Болалик” ва “Туш” картиналари учун махсус диплом билан тақдирланди.

Кўргазма запариди

2009 йили эса Москвадаги Рассомлар марказий уйида ўтказилган шахсий кўргазмаси санъат ихлосмандлари ва танқидчиларда катта қизиқиш уйғотди. Унинг асарлари Ҳиндистон, АКШ, Швейцария, Япония каби мамлакатлардаги шахсий кўргазмалардан жой олиб, чет элликларни ўзбек аънавий ва замонавий рассомлик санъати билан таништиришга ҳисса қўшмоқда. Кўргазмадан ўрин олган “Соғинч”, “Наво”, “Болалик”, “Сурхон бобо”, “Оҳанг”, “Дил изҳори” “Туш” каби картиналарда мазмун ва шакл, талқин ва ранглар уйғунлиги умумийлашиб, рағбат ифода қасб этган. Ёрқин ва жозибдор бўёқлар композицияси ижод намуналарига ўзгача шукҳ бағишлаган. Миниятюра жанрига хос ташбеҳлар фалсафий мушоҳадага чорлайди.

Шеърлар паҳза

ФАХР


Оққан дарё оқар — улў қоида,
Буюклик ҳамиша юртимга монанд.
Дунё тиз чўқмоқда бугун пойнигда,
Мозийга машъала тутган Самарқанд...

Жаҳонга кўр солган даҳолар юрти
Қўл қўзиб, фалақининг чироғин артди.
Ҳар битта бобомнинг ҳар бир ўғити
Чин, Лондон, Париж, Римни уйғотди.

Дунё, таъзим айла! Қуёш қутлар шаън
Илм чўққисидан ўзган ўзбекни.
Ҳамон бармоғингда тақиб турибсан
Бобомиздан мерос қолган узукни.

Офтобни бошининг қўндирмоқ одат,
Қадрининг тик туттиб яшаш сенга тан...
Дунёга дастурхон тўшаган жаннат —
Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан.

Қўқор НОҚОБИЛ



ИЛК ҚАДАМ

Пойтахтимиздаги Халқаро маданият карвон саройида ёш рассом Нодира Худойкулова Ватанимиз мустақиллигининг йиллигига бағишланган “Илк қадам” деб номланган кўргазмаси очилди. Бу ёш мусаввирнинг илк кўргазмаси, унда қирқдан ортиқ асар томошабинлар эътиборига тақдим этилган.

Нодира Худойкулова Тошкент шаҳрида туғилган. Камолддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсил олган. Дастлабки расмлари “Гулхан” ва “Юний художник” журналларида эълон қилинган. Рассом “Табиат ва расом”, “Ўстоз ва шогирд” каби турли кўргазмаларда иштирок этиб келади.

Нодира рангтаъсирнинг портрет, манзара йўналишларида салмоқли асарлар яратмоқда. Жумладан, “Синглим портрети”даги қизча нигоҳида барқ уриб келаётган ҳаёт акс этаган. “Қашқадарё йўлида”, “Гилос гули”, “Бувимнинг ҳовлиси”, “Чимёнда баҳор” каби асарларида табиат манзараларининг халқимиз урф-одатлари, оддий турмуш-тарзига уйғунлашганини кузатиш мумкин. Айниқса, “Лолалар” асарида дараза олдида қўйилган гулдондаги лолаларнинг гулхандек оловланиб яшнаб тургани дилларга заъв бағишлайди.

Сарвара ҚОСИМОВА

БИЛДИРИШ

2011 йил 22 июн куни соат 10:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли шоир Икром Отамуроднинг ижодий кечаси бўлади.

Барча адабиёт мухлислари таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

Тунов қуни дўғонам билан кинога тушди. Ўзингизга маълум, пойтахтимизда фаолият юритаётган кўплаб шинам ва қўлай кинотеатрларда деярли ҳар ой янги фильм катта экранларга чиқмоқда. Бу эса кино ихлосмандларига исталган мавзу ёки жанрда фильм танлаб томоша қилиш имконини беради. Уларнинг бадийи савиясини, актёрдан тортиб режиссёрғача, барча ижодкорларнинг маҳоратини ҳар ким ўзининг диди ва савиясидан келиб чиқиб баҳолаши табиий. Аммо қўйиладиган мулоҳазаларим бу ҳақда эмас, балки томошабинлар, тўғрироғи, ўзимиз ҳақимизда.

Хуллас, кинотеатрга кириб, жойимизни эгалладик, кино бошланди. Залга қоронғулик қўқди. Бироқ анчагача кечиккан томошабинларнинг кети узилмади. Ниҳоят оёқ дупуллари тинчиди-ю, бироқ орқа ўриндиқда ўтирган йигитнинг телефони шовқин солиб жиринглай бошлади. Бундан хижолат бўлиш ўрнига, йигит телефонда бемалол кимгадир қаяқдалиғи-ю, қанақа кино кўраётгани, бош ролдаги актёрлар ҳақида батафсил маълумот берди. Бошқаларга ҳалақит бермаётганимни, деган ўй унинг хаёлига ҳам келмас эди. Шу пайт тўрт-беш қатор нарироқдан аввал гингшиган, кейин чинқириб йиғлаган овоз эшитилди. Туйқусдан бошланган бу йиғи товуши экрандан келаётган бўлса керак, деб ўйладик. Бироқ тез орада томошабинлардан бирининг гўдаги ғашланиб йиғлаётгани маълум бўлди. Энди ёнимдагилар ҳам бесаранжомланиб аτροφга аланглашди. Биздан сал нарироқда ёш болали аёл ўтирган экан, залнинг қоронғулигиданми ё филмдаги шовқинданми, бола қўрққан, шекилли. Онаси

ТОМОШАБИНЛАРНИНГ “ТОМОША”СИ

гўдакни тинчита олмай анчагача овора бўлди. Кимдир гўнғиллаб болани тинчитишни сўради, кимдир жажли чиқиб: “Бало борми гўдак билан кинода?”, дея танбёҳ берди. Томошабин аёл эса, на болани овута олар, на қоронғу залдан чиқиб кетарди. Шу аллозда унинг ўзи ҳам, боласи ҳам “маданий хордик” чиқарди. Аслида филм болаларга

Кўюнчак газетхонадан мактуб

мўлжалланмаган ҳам эди, аммо бу онани қизиқтирмаган чоғи...

Шу аснода кино ҳам ниҳоясига етди. Зал ёришиб томошабинлар ўринларидан кўзғалишди. Ўриндиқлар остида, оралик жойларда ҳар хил қоғозлар, пластик пакетлар, бўшаган идишлар сочилиб ётарди. Бир сўз билан айтганда, шинам залнинг филм бошланмасдан олдинги орасталигидан асар ҳам қолмаганди.

Таниш ҳолатлар-а?! Сиз ҳам, биз ҳам истар-истамас бу “манзара”ларни кўрганмиз, кузатганмиз, баъзан эса ўзимиз ҳам унда иштирок этганмиз, тўғрими?

Кино нафақат маънавий озик, эстетик дидин тарбияловчи, шакллантирувчи кучга эга санъат тури, балки у турмуш ташвишларини унуттишга, ҳаёт ҳақида мушоҳада юритиш асносида руҳий сокинлик, ором берувчи, хордик чиқарувчи қудратга ҳам эга. Мана шу бир, бир ярим соат атрофида вақтни қадрлаш, ижодкорларнинг машаққатли меҳнатларини ҳурмат қилиш эса, ҳар бир инсоннинг маънавий ва маданий савиясига бориб тақалса керак. Бу вақтни телефонда гап сотиб ё тинмай кавшаниб ўтказиш ҳам мумкин. Бироқ бундан нари борса атрофимиздагиларнинг ғашни келади холос, сиз эса ютқазасиз. Чунки яхши бир филм томоша қилиш, унда кўтарилган мавзу, ижодкорларнинг ниятини, мақсадини англаш ҳам маънавий хордик чиқариш ҳам қайсидир маънода сабоқ олиш демакдир...

Ҳа, айтганча, гап билан бўлиб кино ҳақида ёзиш ҳаёдан кўтарилибди. Филм қалай экан ўзи, дерсиз. Афсус бу ҳақда тайин бир фикр айтолмайман. Чунки кинозалда фақат томошабинларнинг “томоша”ларини кўрдим, холос.

Моҳира ОТАБОВЕВА,
талаба

